

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

*70712509-Интеллектуал транспорт тизимлари
магистратура мутахассислигининг малака талаблари*

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат транспорт университети.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йигилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби “Олий таълим давлат таълим стандарти, Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси худудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳукуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишилдир.

МУНДАРИЖА

T/п				бет
1.	<i>70712509-Интеллектуал транспорт тизимлари мутахассислигининг умумий тавсифи</i>	магистратура	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси		4
1.1.1.	<i>70712509-Интеллектуал транспорт тизимлари мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.</i>	магистратура	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....		4
1.2.	<i>70712509-Интеллектуал транспорт тизимлари мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятлари тавсифи</i>		4
1.2.1.	<i>70712509-Интеллектуал транспорт тизимлари мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари</i>		4
1.2.2.	<i>70712509-Интеллектуал транспорт тизимлари мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари</i>		4
1.2.3.	<i>70712509-Интеллектуал транспорт тизимлари мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари</i>		5
1.2.4.	<i>70712509-Интеллектуал транспорт тизимлари мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари</i>		5
2.	<i>70712509-Интеллектуал транспорт тизимлари мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар</i>		6
2.1.	Умумий компетенциялар.....		6
2.2.	Касбий компетенциялар.....		7
	Библиографик маълумотлар.....		8
	Келишув вараги.....		9

1. 70712509-Интеллектуал транспорт тизимлари магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи

70712509-Интеллектуал транспорт тизимлари магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Мутахассислик бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

1.1. Кўлланиш соҳаси

1.1.1. 70712509-Интеллектуал транспорт тизимлари магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби **70712509-Интеллектуал транспорт тизимлари** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- магистратура мутахассислигининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган баклавриат битирувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 70712509-Интеллектуал транспорт тизимларимутахассислигибўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи

1.2.1. 70712509-Интеллектуал транспорт тизимларимутахассислигибўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:

70712509-Интеллектуал транспорт тизимлари – “Мухандислик иши” таълим соҳасига оид йўналиш бўлиб, у халқаро тажрибаларга мувофиқ автомобиль транспорти соҳасини ривожлантириш, истиқболини белгилашга ҳамда интеллектуал тизимларини қўллаш билан автомобиль транспортидан фойдаланиш сарф харажатларни камайтириш, автомобиль транспортининг актив, пассив ва экологик хавфсизлигини ошириш, автотранспорт воситалари эксплуатацион самарадорлигини ошириш билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. 70712509-Интеллектуал транспорт тизимлари мутахассислигибўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида педагогик фаолият;

- Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида ҳамда олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот фаолияти ва жараёнлар;

- транспорт соҳаси корхоналарида бошқарувга интеллектуал тизимларни қўллаш ва транспортдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш жараёнлари;
- жамоат транспортида интеллектуал тизимларни қўллаш орқали унинг жозибадорлигини ошириш жараёнлари;
- автомобиль ишлаб чиқаришда ва ундан фойдаланишда унинг борт ахборот тизимларини такомиллаштириш ва хавфсизлигини ошириш жараёнлари;
- мутахассислигига оид меъёрий-ҳукукий ҳужжатлар яратиш жараёнлари;
- транспорт инфратузилмасида бошқарув ва ахборот-коммуникацион технологияларнинг интеграциясини таъминлаш жараёнлари;
- автомобиль транспорти ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш ва бошқариш жараёнлари;
- ўқув жараёни.

Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.3. 70712509-Интеллектуал транспорт тизимларимутахассислигибўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари

- илмий тадқиқот фаолияти;
- педагогик фаолият;
- ташкилий- бошқарув фаолияти;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти.

Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Магистратура битириувчилари магистр академик даражасини олгандан сўнг олий таълим муассасалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ ИТИларда катта илмий ходим-изланувчи ва мустақил тадқиқотчи сифатида илмий-тадқиқот ишларини давом эттириши мумкин.

1.2.4. 70712509-Интеллектуал транспорт тизимлари мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:

70712509-Интеллектуал транспорт тизимлари мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ магистратура битириувчиси қўйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Илмий тадқиқот ва педагогик фаолиятида:

- илмий, амалий тадқиқотларни ўтказиш, тажриба натижаларини таҳлил қилиш ва улар асосида илмий асосланган хуносалар чиқариш, илмий янгиликларни кашф этиш;
- илмий мақолалар, маъruzалар, рисола, ўқув адабиётлар тайёрлаш ва таҳrir қилиш, ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;
- илмий адабиётлар ва интернет тармоғида энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатацион ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш ҳамда фаол иштирок этиш;
- мос мутахассислик мавзуси бўйича илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш;
- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида мутахассислиги бўйича педагогик ва ўқув-услубий фаолият юритиш;

- ўқув жараёнини ва илмий фаолиятни ташкил қилиш, замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан, ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиб ўқув машғулотларини ўтказиш;
- электрон (e-learning), мобил (m-learning), масофавий ахборот технология ва ўқув-методик мажмуаларни мукаммал ўзлаштириш;
 - педагогик ва илмий маҳорати ҳамда малакасини мунтазам ошириб бориш.
- Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:**
 - ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш;
 - ташкилот, корхона ва уларнинг алоҳида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришини ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш;
 - транспорт соҳаси корхоналарида бошқарувга интеллектуал тизимларни қўллаш ва транспортдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;
 - жамоат транспортида интеллектуал тизимларни қўллаш орқали унинг жозибадорлигини ошириш жараёнлари;
 - автомобиль ишлаб чиқаришда ва ундан фойдаланишда унинг борт ахборот тизимларини такомиллаштириш ва хавфсизлигини ошириш жараёнлари;
 - мутахассислигига оид меъёрий-хуқуқий хужжатлар яратиш жараёнлари;
 - транспорт инфраструктурасида бошқарув ва ахборот-коммуникацион технологияларнинг интеграциясини таъминлаш жараёнлари;
 - автомобиль транспорти ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш ва бошқариш жараёнлари;
 - йўл ҳаракатини математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш.

2.70712509-Интеллектуал транспорт тизимларитаълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид хужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- ўз фаолиятида меъёрий-хуқуқий хужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;
- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш қўнималарига эга бўлиши;
- ахборот технологияларидан фойдалана олиши, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

2.2. Касбий компетенциялар:

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хulosалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;
- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишни билиш;
- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;
- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиха тайёрлаш кўникмаларига эга бўлиши;
- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиха тайёрлаш малакаларига эга бўлиши;
- транспорт воситаларидан фойдаланишда техник, иқтисодий, стратегик режаларни ишлаб чиқиш, ечилаётган илмий муаммоларнинг концептуал ҳамда назарий моделларини ишлаб чиқиш ва илмий-тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ҳамда ишланмаларни амалиётга татбиқ этишини билиш;
- автомобиль транспортида хизмат кўрсатишни оптималлаштиришда интеллектуал муҳандислик тизимларни қўллаш;
- транспорт воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш, унга таъсир этувчи омилларни аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказишни ва таҳлилий ишларни бажаришни билиш;
- автомобиль транспортида кўлланиладиган борт-ахборот тизимлари, транспорт инфраструктураларини таҳлил қилиш ва баҳолаш кўникмаларига эга бўлиш;
- автомобиль транспорти хизматларидан фойдаланишда, уларнинг самарасини оширишда телематикани қўллаш кўникмаларига эга бўлиш;
- транспорт жараёнларини моделлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;
- мутахассислигига оид меъёрий-хуқукий хужжатлар яратиш кўникмаларига эга бўлиш;
- транспорт инфратузилмасидабошқарув ва ахборот-коммуникацион технологияларнинг интеграциясини таъминлаш кўникмаларига эга бўлиш;
- ҳаракат хавфсизлигини ташкил этишда замонавий ахборот-коммуникацион технологиялар ва интеллектуал муҳандислик тизимларини уйғунликда қўллаш кўникмасига эга бўлиш.

Библиографик маълумотлар

УДК:

Гурух Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият соҳаси, магистратуранинг ўқув режа ва фан дастури (магистратура дастури), профиль, ўқиб ўрганиш натижалари, ўқув даври, e-learning ва m-learning технологиялари, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, илмий тадқиқот жараёни, маҳсус фанларни ўқитиш методикаси, ахборот-коммуникатив тизимлар, касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият жабҳаси, магистратуранинг асосий ўқув режа ва фан дастури (магистрант дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, илмий-тадқиқот, транспорт оқими, транспорт оқим ининг назарияси, транспорт оқимини прогнозлаш, транспорт оқимини моделлаштириш, транспортда ташишнинг математик усуллари, MatLab ва Python дастурларида ишлаш, ташиш жараёнларини моделлаштириш ва бошқариш, транспорт тизимлари, транспорт оқимини режалаштириш, транспорт оқимини бошқариш, жараёнларни моделлаштириш, компьютер технологияларида моделлаштириш, интеллектуал транспорт тизимлари, автомобиль транспортида телематика, автомобиль техник эксплуатациясида телематика.

КЕЛИШУВ ВАРАФИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент давлат транспорт университети

Ректор  О.Абдурахманов



Ўзбекистон Республикаси
Транспорт вазирлиги

КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази

Вазир ўринбосари

А.Муминов

Директор в.б.

 М.Эсонов

M.Ў.

202

йил

«

»

202

йил

«

»

M.Ў.

Транспорт ва логистикани
ривожлантириш муаммоларини ўрганиш
маркази

И.Каримов номидаги

Тошкент давлат техника университети

Директор

 М.Абидов

M.Ў.

202

йил

«

»

Ректор

 С.Турабджанов

M.Ў.

202

йил

«

»